

## А Ж Р И М

(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2022 йил август ойининг 29 куни, жиноят ишлари бўйича Поп туман судининг сайёр суд мажлиси, Поп тумани, “Ифтихор” МФЙ биносида, очик суд мажлисида, туман судининг раиси Ж.Курбановнинг раислигида, судья ёрдамчиси Х.Бектемировнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Поп туман прокурори ёрдамчиси О.Рафиқов, жабрланувчи Ш.Юсупжанова, гумон қилинувчи М.Назаровнинг иштирокида, Назаров Мирзахиджан Эргашбаевичга оид 1-1606-2201/271-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Назаров Мирзахиджан Эргашбаевич, 1975 йил 21 ноябрда Қирғизистон Республикасида туғилган, ўзбек, Қирғизистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 5 нафар фарзанди бор, судланмаган, ишсиз, Қирғизистон Республикаси, Ўш вилояти, Ўзган тумани, Янги турмуш кўчаси, 47-уйда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда гумон қилинган.

Суд, суд мажлисида гумон қилинувчи ва жабрланувчини судга тақдим этган ўзаро ярашув ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиб, уларнинг кўрсатувларини ҳамда тарафларнинг фикрини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи томонидан, М.Назаров 2022 йил 25 август куни соат 07 ларда, “А-373-Тошкент-Ош” автомобиль йўлининг 239-км.да бошқарувидаги “Ope1” русумли, 06KG972АНУ давлат рақам белгили автомашинасини “Тошкент” йўналишида бошқариб кетаётиб, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4-бандидаги “Йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишга хавф туғдирмаслиги керак”, 77-бандидаги “Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак. Тезлик ҳайдовчига ушбу қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак. Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат



қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деб белгиланган қоида талабларини қўпол равишда бузиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлай олмасдан, бошқарувни йўқотиб йўлнинг қатнов қисмини ажратиб турувчи йўл ўртасидаги темир тўсиққа урилиши натижасида машина салонида бўлган Ш.Юсупжановани тан жароҳати олишига сабабчи бўлган.

Поп туман СТЭБнинг 2022 йил 26 августдаги 1316/1288-сонли хулосасида, Ш.Юсупжанованинг тан жароҳатлари – чап ўмров суягини ўрта қисмидан ёпиқ синиб силжиши кўринишида бўлиб, ушбу жароҳатлар ўртача оғир тан жароҳати эканлиги аниқланган.

Гумон қилинувчи М.Назаров судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, оила-аъзолари билан Қирғизистон Республикасида яшашини, ҳақиқатан ҳам 2022 йил 25 август куни Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳрида оилавий айланиб келиш мақсадида йўлга чиққани, автомашинанинг олд ўриндиғида ўғли, орқа ўриндиқда турмуш ўртоғи Ш.Юсупжанова, келини ва болалари ўтиргани, шу куни соат 07 ларда, “А-373-Тошкент-Ош” автомобиль йўлида кетаётган вақтида кескин қайрилгани сабабли турмуш ўртоғи бақриб юборгани учун бошқарувни йўқотиб, йўлнинг қатнов қисмини ажратиб турувчи йўл ўртасидаги темир тўсиққа урилгани, натижада автомашина ичидаги турмуш ўртоғи тан жароҳати олгани, уни тиббиёт марказига ўзи олиб бориб даволатгани, ҳозирда соғлиги яхши экани, содир этган қилмишининг оқибатларини англаб етгани, турмуш ўртоғи билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олгани, ўртадаги ярашувга рози эканини билдириб, уни жиноий жавобгарликдан озод қилиб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Жабрланувчи Ш.Юсупжанова судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, Қирғизистон Республикаси фуқароси экани, ҳақиқатан ҳам 2022 йил 25 август куни Тошкент шаҳрида оилавий айланиб келиш мақсадида йўлга чиқишгани, у автомашинанинг орқа ўриндиғида, олд ўриндиғида ўғли, орқа ўриндиқда келини ва болалари ўтиргани, шу куни соат 07 ларда йўлда кетаётган вақтларида довондан кескин қайрилгани сабабли бақриб юборгани, бу ҳолатда турмуш ўртоғи бошқарувни йўқотиб, йўлнинг қатнов қисмини ажратиб турувчи йўл ўртасидаги темир тўсиққа урилгани, натижада тан жароҳати олгани, даволангани, ҳозирда соғлиги яхши экани, гумон қилинувчи турмуш ўртоғи экани, ярашув тўғрисидаги аризани ўз хоҳишига кўра ёзгани, унга бирон-бир тазйик бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин, келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, М.Назаровга оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасида, шу кодекс 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган



зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2012 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 27-сонли қарорининг 3-бандида, қонунда ярашув тўғрисидаги ариза суриштирув ва дастлабки терговнинг исталган босқичида, судда эса жиноят ишини кўриб чиқаётган биринчи инстанция суди маслаҳатхона (алоҳида хона)га киргунга қадар берилиши мумкин деб кўрсатилган.

Суд, юқоридаги раҳбарий тушунтиришларга риоя этиб, жабрланувчи Ш.Юсупжанова ва гумон қилинувчи М.Назаров билан ўзаро ярашиб олганликлари ҳақидаги баёнотларини тинглаб, бу ҳақидаги аризаларини инобатга олиб, жабрланувчи Ш.Юсупжановага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқланганидан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтирган ҳолда М.Назаровга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан уни жиноий жавобгарликдан озод этиб, ярашув асосида тугатишни, жиноят оқибатида етказилган моддий зарар тўла қопланганлиги сабабли мазкур масалани инобатга олишни лозим топади.

Суд, юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84,423,582-583,585-586-моддаларига асосан

#### А Ж Р И М Қ И Л А Д И

Назаров Мирзахиджан Эргашбаевичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган 1-1606-2201/271-сонли жиноят иши ярашув тартибида тугатилсин ва М.Назаров жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

Жиноят оқибатида етказилган моддий зарар тўла қопланганлиги инобатга олинсин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма сутка ичида шу суд орқали Наманган вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи  
“Аслига тўғри”  
Жиноят ишлари бўйича  
Поп туман судининг раиси

“имзо”

Ж.Курбанов

Ж.Курбанов

